*Ватан севмак иймондандур!*

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

*Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган*

*Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси*

Нархи: 20 сўм.

1993 йил 9 июль, жума № 126-127 (21.478).

## ПРЕЗИДЕНТ ТУРКИЯДАН ҚАЙТИБ КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов 7 июль куни Туркиядан қайтиб келди. Жумҳуриятимиз раҳбари иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИҲТ)нинг Истанбул шаҳрида ўтказилган олий даражадаги кенгашида иштирок этди.

И. Каримовни Тошкент аэропортида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Ш. Йўлдошев, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчилари М. Умурзоқов, Т. Алимов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ЎзА).

*• ХДП ҳаётидан •*

## БАЙРАМ ТАРАДДУДИ

Юнусобод туманида Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини нишонлаш ташкилий қўмитаси тузилди. Ўзбекистон ХДП Юнусобод райони вакиллари ҳам унинг таркибига аъзо бўлиб киришди.

Ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар аста-секин кўзга ташланмоқда. Тошкентдаги 7 катта бозорнинг бири— Олой бозорини таъмирлаш ишлари жиддий тусга кирди. Метродан бозорга чиқиш йўли қурилиши жадаллашди. Савдо расталари, замон талабига мос янги дўконлар қурилиши 25 августгача тугалланиши мўлжалланмоқда. Шунингдек, мустақиллик майдонига туташган «Туркистон» театрида ҳам пардозлаш ишлари ниҳоясига етаётир.

Марказий хиёбонда қад ростламоқчи бўлаётган буюк бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темур ҳайкали майдонга муносиб бўлиши, шубҳасиз.

Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига қарашли Ўзэкспоцентр (собиқ ХХЮК)да туман ва шаҳар болаларига янги совға Туркия Республикаси фирмалари ҳамкорлигида «Ўзбекдиснейленди»ни қуриш ишлари бошлаб юборилди.

Хуллас, туман худудидаги мавжуд кўчаю йўлларни, манзилу масканларни, бинoю иншоотларни байрамона безатиш, мустақиллик байрамини муносиб кутиб олишга ҳозирлик авжида.

**Н. ИБРОҲИМОВА.**

## ОЛИЙ МАҚСАДИМИЗ

**● Миллий истиқлол мафкураси қандай бўлиши керак! Ўзбекистон Халқ демократик партияси Булоқбоши туман кенгаши шу мавзуда партия фаоллари иштирокида давра суҳбати ўтказди.**

Ўзаро фикр алмашувда истиқлол мафкурасини яратишнинг турли қирралари тилга олинди. Бу соҳада Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» ва кейинги рисолаларда баён қилинган қимматли фикрларга алоҳида эътибор берилди.

Район партия кенгашининг биринчи котиби А. Холматов, район ҳокимининг муовини С. Йўлдошев, табиатни муҳофаза қилиш район қўмитасининг раиси Р. Тоировалар Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкурасини тўғри ва аниқ шакллантириш оммани ишончли йўлга бошлашда бош омил бўлишини таъкидладилар.

Давра қатнашчилари мамлакатимиз барқарорлигини таъмин этишда қонунларни қаттиқ туриб ҳимоя қилиш ва унга барча баробар итоат этиши, уч иллат — порахўрлик, лоқайдлик ва ёлғонга қарши қақшатгич ўт очиш ҳаммамизнинг бош вазифамиз бўлгандагина муваффақият қозонишимиз мумкин, деган бир тўхтамга келдилар.

**Р. РАҲМОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ҲОКИМ АХБОРОТ БЕРДИ

**● Ўзбекистон ХДП Узун тумани кенгашида ижроия бюро аъзоларининг партиянинг дастурий мақсадлари ва ўз зиммаларига юклатилган партиявий вазифаларини бажариш борасидаги ахборотларини эшитиш анъанага айланган. ЎзХДП ташкил топгандан буён ижроия бюро олти аъзосининг ана шундай ахборотлари тингланди.**

Район кенгаши иш режасига биноан яқинда ижроия бюро аъзоси, республика Халқ ноиби, туман ҳокими Эшдавлат Сафаровнинг ахбороти эшитилди. Йиғилиш ишчанлик ва ўзаро талабчанлик руҳида ўтди. Туманда ҳоким бошчилигида районнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини таъминлаш, бозор иқтисодиёти даврида аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, меҳнаткашларни бозор иқтисодиётига ўтиш қоидаларини босқичма-босқич амалга оширишга сафарбар этиш борасида ижобий ишлар таъкидлаб ўтилди. Айни пайтда келгусида ечимини кутаётган муаммоларга ҳокимнинг эътибори жалб этилди.

Ижроия бюро йиғилишида Э. Ҳ. Сафаровга партия Дастурида кўрсатилган инсон манфаатларини кўзловчи иқтисодий ва ижтимоий вазифаларнинг республика Президенти фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг бажарилишини ташкил этиш ҳамда назоратни кучайтириш борасида тағин ҳам фаолроқ иш олиб бориш таклиф этилди.

**Э. АШУРОВ,**
**ЎзХДП Узун туман кенгаши тарғиботчиси.**

## МЕҲНАТ АҲЛИ МАНФААТЛАРИ— ҲАММА НАРСАДАН УСТУН

**Тошкентда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг мажлиси бўлди. Мажлис қатнашчилари республикада ислоҳот ўтказиш шароитида меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида касаба уюшмаларининг фаолиятини такомиллаштириш йўлларини муҳокама қилдилар. Республика Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг раиси Б. Алламуродов маъруза қилди.**

Маърузачи ва сўзга чиққан нотиқлар асосий эътиборни бозор иқтисодиётига ўтиш даврида касаба уюшмаларининг меҳнаткашлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир вазифалари ва имкониятларига қаратдилар. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримов республика Вазирлар Маҳкамаси, ижтимоий таъминот ва меҳнат вазирликлари, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ва тармоқ касаба уюшмаларининг вакиллари билан кенгашда бу муаммоларни аниқ кўрсатиб ўтганлиги таъкидланди.

Республика иқтисодий тараққиётида янги босқич — туб ўзгаришлар даври бошланаётган шароитда меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида касаба уюшмаларининг аҳамиятини ошириш билан бир вақтда меҳнаткашларни юқори унум билан ишлашга сафарбар этиш ҳам жуда муҳимлигини мажлис қатнашчилари таъкидлаб ўтишди. Ҳар қандай соҳада ишлаётган одам қанчалик баракали меҳнат қилса яхшироқ яшашини, жонажон республикамиз тағин ҳам бадавлат ва қудратли бўлишини ҳам яхши англаб олиши керак.

Касаба уюшмалари кенгаши муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилди. Ўзбекистон Республикаси Президентига Мурожаатнома қабул этилди.

Кенгаш мажлисида Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев сўзга чиқди. Мажлисда Республика Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов қатнашди.

Ташкилий масала кўриб чиқилди. Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши халқаро бўлимининг мудири бўлиб ишлаган З. Қодиров Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси раисининг ўринбосари этиб сайланди.

(ЎзА).

## «ХАБАРНОМА»—«ПРЕСС-БЮЛЛЕТЕНЬ»НИНГ 9-СОНИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг нашри — «Хабарнома» — «Пресс — Бюллетень»нинг навбатдаги сони. босмадан чиқди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 1 январдан 31 мартгача чиқарган барча Фармонлари берилган. Тарих бўлиб қолаётган ҳар бир ой, йилнинг ўтган ҳар бир чораги Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда муҳим қадамдир. Журналдаги Президент фаолиятига доир ахборотлар ва бошқа материалларда бу ўз аксини топган.

Шуни эслатиб ўтмоқчимизки, нарх-наводаги кескин ўзгаришлар «Хабарнома»ни нашр этишга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Натижада 1993 йилга обуна бўлганлар нашрнинг кейинги сонларини тўлиқ олишлари учун қўшимча 550 сўм тўлашларига тўғри келади.

Қўшимча обуна учун республиканинг барча алоқа тармоқларига 1 августгача мурожаат қилишингиз мумкин.

**Нашр кўрсаткичи: 75453.**

## «ЯНГИ КУН» МУБОРАК!


Янги кун
МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЧИНОРИ
«БИЗ ТАВАККАЛ ҚИЛДИК»

Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг Тошкент учрашувида минтақа халқларининг ўзаро ахборот алмашишига эҳтиёжини инобатга олиб, жумладан, республикалараро газета ташкил этишга қарор қилинган эди. Мана, мазкур минтақа халқлари ҳамкорлиги ва тараққиётига кўмаклашувчи «Янги кун» рўзномасининг ўзбек тилидаги илк сони ўқувчилар қўлига тегди. У саккиз саҳифадан иборат бўлб, 15 минг нусхада босилган.

Рўзномадан Марказий Осиё республикалари ҳаётидан ҳикоя қилувчи ранг-баранг материаллар жой олган. А. Ҳакимовнинг «Асқар Акаев: Биз таваккал қилдик», С. Қораевнинг «Туркий замон мероси», А. Қурбонованинг «Трансосиё йўлига — барака», Н. Хўжаевнинг «Мингбулоқ нефти— мустақиллик кафолати» каби мақолалари шулар жумласидандир. Шунингдек, «Орол — эл дарди» рукнидаги «Бизнинг умумий дардимиз», «Хитой: машаққатли ислоҳот йўли» мавзуидаги суҳбатлар ҳам газетхонларни бефарқ қолдирмайди.

Азалий қон-қардош халқларнинг янада жипслашувида, ўткинчи қийинчиликларни енгиб, тараққиётнинг ойдин йўлига чиқиб олишда «Янги кун» рўзномасининг муҳим ўрин тутиши шубҳасиздир. «Янги кун» муборак, она Туркистон!

**(ЎзА).**

## МИЛЛАТИМИЗНИ МАНГУЛИККА МУҲРЛАГАНЛАР



АМИР ТЕМУР

(Ўзбекистон халқ рассоми Малик Набиевнинг ранг-тасвир асаридан кўчирма).

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Амир Темур ҳайкалини яратиш тўғрисидаги қарори ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётимизда катта воқеадир.**

**Ҳа, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги муносабати улуғ айём кунлари Ватанимиз пойтахти Тошкентда Амир Темур ҳайкали ўрнатилиб, шаҳарга бетакрор файз улашилади, байрам мезбонлари — юртдошларимизга ноёб совға ҳадя этилади. Халқимиз беш аср бурун миллатини шону-шарафга буркаган, мангуликка, абадиятга муҳрлаган асл фарзандини кутиб олиб, зиёрат қилади...**

**Бу энг аввало мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг халқпарвар, қадриятпарвар сиёсати, қолаверса, у раҳбарлигида амалга оширилган мустақиллик шарофати туфайлидир. Буни муаллифларимиз бўлган атоқли фан ва маданият арбоблари, газетамизга хат йўллаётган кўплаб муштарийларимиз ҳам бир овоздан эътироф этмоқдалар.**

## БОБОКАЛОНИМИЗ АБАДИЯТИ

**Абдулла ОРИПОВ**

Улуғ бобомиз соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг қарийб бутун умри от устида ўтган десак лоф бўлмас. У зот бепоён давлатини яхлит сақлаш мақсадида, жаҳоннинг гоҳ у томонига, гоҳ бу томонига сафар қилиб турганлар. Бироқ, ҳориб-толиб бўлса-да ўз Ватанига, яъни юртимизга қайтиб келган ва уни ободу сарофроз этган. Фикримизни бадиий ташбеҳга ўраб айтадиган бўлсак, Соҳибқироннинг кейинги сафари ниҳоятда чўзилиб кетди. Чамаси, бир ярим аср мобайнида Темурнинг номи қатағон этилди, яъни у зот Ватанига киролмай юрди. Чунки, унинг мулкини ўзгалар эгаллаб олишган, халқини эса, қарам ва мўте қилган эдилар.

Ниҳоят, Оллоҳ насиб этган саодатли бир кунда, Ватанимиз мустақилликка эришгач, халқимизнинг орзуси-ю ҳамда Темурнинг ўзи сингари жасур юртбошимизнинг мардонаворлиги туфайли жаҳонгир ўз элига қайтиб келди. Энди бобокалонимиз ўзининг азамат тулпори билан Ватан тупроғида абадий қўним топғусидир. Тошкенту Самарқандда ул зоту шарифнинг ҳайкаллари қад тикламоқда.

Бироқ, у зот кимнингдир ўрнини тортиб олаётган эмас, балки, ўзининг қонуний жойини эгаллаётир Темур бобомизнинг руҳи миллатимизни янада ҳамжиҳатликка чорлаши шубҳасиздир.

Ҳазрат Темур буюк давлатга асос солган эди, тарих тақозоси билан у давлат парчаланди. Даврлар ўтиб биз тағин она ўзбек диёримиз ҳудудида буюк давлат тузишга киришдик. Ушбу эзгу ишда ҳам буюк салтанат соҳибининг тажрибалари албатта асқотади. Энг муҳими, Ватанимиз тарихида яна бир ҳақиқат бор бўй-басти билан қайтадан қарор топмоқда. Токи, истиқлолимиз абадий экан, Темур бобомизнинг руҳлари ҳам халқимиз билан абадий бирга бўлажак.

**(Ушбу мавзуга бағишланган мақолалар газетамизнинг иккинчи саҳифасида босилмоқда).**

## ФАОЛЛИК САБАБИ НИМАДА?

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси Янгиариқ Кенгашининг ҳудудий, бошланғич ҳамда цех партия ташкилотларига уюшган аъзолари Республика Президенти, ХДП Раиси И. Каримовнинг бир гуруҳ ёзувчилар билан учрашув чоғида, шунингдек, Олий Кенгашнинг XII сессиясида сўзлаган нутқи, ХДП Марказий Кенгаши VII Пленумининг янги вазифалар белгилаб берилган ҳужжатларини юқори баҳоламоқдалар.**

— Президентимиз ва Ўзбекистон ХДП МК VII Пленуми белгилаб берган вазифалар бизни янгича масъулият билан ишлашга, жумҳуриятимизни иқтисодий қийинчиликлардан олиб чиқиб, унинг мустақиллигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшишга чорламоқда, — деди туман партия кенгашининг биринчи котиби Й. Собиров. — Шуни ҳисобга олиб биз иш дастуримизни қайта кўриб чиқдик, уни янги тадбир ва режалар билан бойитдик. Фаолиятимиз ижтимоий ҳаётга дадил кириб бориш, ташаббус кўрсатиб ишлаш, бошланғич, цех ва ҳудудий партия ташкилотларининг меҳнат жамоаларига сиёсий таъсир кучини оширишни, ҳар бир партия аъзосининг аҳоли турмуш шароитини енгиллатиш ишларида шахсан иштирокини таъминлашга йўналтирилмоқда.

Бугунги кунда ХДП туман кенгаши ва унинг меҳнат жамоаларидаги 55 та бошланғич, тўққизта ҳудудий партия ташкилотлари, уларга уюшган 2200 нафарга яқин партия аъзоси ижтимоий-сиёсий ҳаётда ички партиявий ишлар ҳам, кадрлар танлаш, тарбиялаш ҳамда уларни жой-жойига қўйишдаги туман партия кенгашининг иштироки ва роли ҳам сезиларли ортиб бораётир.

Туманда тўққизта қишлоқ бўлиб, уларда ҳудудий партия ташкилотлари тузилган. Ҳудудий партия ташкилотларининг ташкил этилиши партия аъзолари сонининг кўпайишига ҳам таъсир қилмоқда.

Туман аҳолиси ўртасида сиёсий барқарорликни таъминлаш, интизомни мустаҳкамлаш. жамият шаънига зид ҳолатларнинг олдини олишда ҳам ҳудудий партия ташкилотлари муайян ишларни амалга оширмоқда. Халқ байрамлари ва сайилларини ўтказиш, фуқароларга моддий-маънавий ёрдам уюштиришда ҳам дастлаб партия ташкилотлари ташаббускор бўлиб чиқмоқдалар. Ғалаба байрами муносабати билан уруш қатнашчилари ва байналмилалчи жангчиларга моддий-маънавий кўмак берилди. Умуман, ногирон, кам таъминланган оилалар, ўзгалар мададига муҳтож кишилар, етим-есирларга ижтимоий муҳофаза тарзида 600 минг сўмликдан кўпроқ моддий ёрдам кўрсатилди. Ҳудудий партия ташкилотларнинг тавсиясига кўра, янги турар жой қуриш, мавжуд уй-жойини таъмирлашга қарор қилган неча ўнлаб фуқарога давлат ҳазинасидан икки миллион сўм миқдорида узоқ муддатли қарз берилди. Бундай ёрдамдан кўпгина партия аъзоларининг оилалари ҳам баҳраманд бўлишди.

**Э. МАДРАҲИМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ИСЛОҲОТ МОҲИЯТИ—ОММАГА

### ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҲАР ОЙНИНГ БИРИНЧИ ЖУМА КУНИНИ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТНИ ЎРГАНИШ КУНИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

Маълумки, иқтисодий ислоҳотдаги юксалишлар унинг моҳиятини қанчалик тўғри тушуниб етишга боғлиқ. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Қашқадарё вилоятида бўлганида ҳатто айрим раҳбарлар иқтисодий ислоҳот моҳиятини тушуниб етмаётганлигини ҳаққоний танқид қилди.

Шу муносабат билан яқинда вилоят ҳокимлигининг қарорига биноан ҳар ойнинг биринчи жума куни иқтисодий ислоҳотни ўрганиш куни деб белгиланди. Жойларда иқтисодий ислоҳот кунларини ўтказишга турли даражадаги халқ депутатлари, жамоат ташкилотлари, олимлар, мутахассислар, ёзувчи ва журналистлар, оммавий ахборот воситалари, вилоят партия кенгашининг ижтимоий сиёсий маркази кенг жалб қилинди. Улар меҳнат жамоаларида, ўқув юртлари ва мактабларда, маҳалла ва қишлоқларда иқтисодий ислоҳотнинг сарҳисоб бўйича бир ой давомида амалга оширилган ишларни одамларга гапириб берадилар. Шу мавзуда лекция ва суҳбатлар уюштириб, тажриба алмашадилар.

Дастлабки жума кунги машғулот вилоят ҳокими Темир Хидировнинг иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли ўтказиш юзасидан вилоят меҳнаткашларига мурожаатини ўқиб ўрганишга бағишланди. Қарши шаҳри, Қарши, Яккабоғ, Китоб, Шаҳрисабз, Нишон, Усмон Юсупов, Касби, Баҳористон районларида, «Қаршистрой» махсус қурилиш бошқармаси, «Қаршистройиндустрия» бирлашмаси сингари саноат корхоналарида ҳам иқтисодий ислоҳотни ўрганиш куни уюшқоқлик билан ўтди.

Бу муҳим тадбир республикамизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотнинг моҳияти ва мазмунини аҳолига тушунтиришда катта роль ўйнайди, албатта. Ислоҳотни ўрганиш куни тадбирида омма билан учрашган вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Турсунпўлат Каримов, ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Фармон Омонов, вилоят ҳокими ўринбосарлари, вилоят ҳокимлиги ва вилоят партия кенгаши масъул ходимлари, шаҳар ва район ҳокимлари, партия кенгаши котиблари бозор иқтисодиёти шароитида шаҳар ва қишлоқларда ислоҳотни кучайтириш билан боғлиқ муаммолар ҳақида одамлар билан ўзаро фикрлашдилар.

**Мусо КАРОМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## «ХУМО» ИШГА ТУШДИ

**● Қизилтепа шаҳридаги Бўстон маҳалласида янги чойхона қурилиб, ишга туширилди.**

«Хумо» деб аталувчи бу чойхонани шаҳар матлубот жамиятига қарашли Ибодулло Нарзиев бошлиқ қурувчилар жамоаси 5 миллион сўмлик маблағ эвазига бунёд этишди. У шарқона услубда бунёд этилди, унга ўймакорлик безаклари берилган. Айни кунларда маҳалла оқсоқоллари мазкур чойхонада дам олиш, кўнгил ёзиш билан бир қаторда одоб-ахлоқ мавзусида турли суҳбатлар уюштиришаяпти.

**М. ШАРОПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ИНСОФ САРИ БАРАКА!

# Осиё бозори

№ 32

1993 йил 9 июль

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИНИНГ АХБОРОТ-ТИЖОРАТ ИЛОВАСИ

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ИККИ ЙИЛЛИГИГА

Баҳодир ҚОБУЛОВ



# ТУПРОҒИ ЗАР ТУРКИСТОНИМ!

**Баҳодир ҚОБУЛОВ — ёзувчи-журналист, тилшунос, ҳуқуқшунос. Самарқанд вилоят ҳокимиятининг фан, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мутахассислар гуруҳининг етакчи мутахассиси вазифасида ишлайди. Қуйида унинг она-юрт, миллат, узоқ ва яқин ўтмишимиз, маънавий қадриятлар, мустақиллик ҳақидаги мулоҳазаларини ўқийсиз.**

## БОБО ЎЧОҒИ, ОНА ҚУЧОҒИ

Ватаний ахлоқ не демак?

Буюк миллатларнинг ҳар бири маданиятнинг хусусий бир соҳасида энг юксак мавқега эришганлар. Юнонлар эстетикада, яҳудийлар ва араблар динда, франглар адабиётда, олмонлар мусиқа ва фалсафада энг юқори мавқега эга бўлган бўлсалар, турклар нафосат ва мусиқа, адабиёт ёки фалсафада ҳам юқори чўққиларга кўтарилган. Бироқ, ҳеч бир эл туркий халқлардек, аҳлоқда жаҳонга донг тарата олмаганлар. Турк маърифатпарварлари Зиё Кўкалп биринчилардан бўлиб ишлатган «Ватаний ахлоқ» атамасини ўзи таърифлаб беради. Унга кўра, қадимий туркларда Ватаний ахлоқ ниҳоятда қувватли бўлган: «Ҳеч бир турк эли, яъни миллати учун жони ва энг севимли нарсаларини фидо қилмоқдан қайтмасди... Эл яшаётган ерга юрт-ўлка дейилади. Турк қаерга кетмасин юртини унутмасди, чунки оталарининг мозори ўша ерда эди. Болалик чоғи, бобо ўчоғи, она қучоғи — бари ўша ерда эди...».

Қадимий туркларда Ватаний аҳлоқни камол топтириш ҳам муқаддас эҳтиёж, ҳам қонуний мажбурият бўлган.

Туркий ахлоқ, туркий маданият, туркий санъат жуда буюк бўлганлигини бугун фақат биз, туркийларгина тўлиқ англаб етаётганимиз йўқ. Аммо, маданияти таназзулга учрамаган давлатлар, миллатлар аждодларимиз салоҳиятига алоҳида тан берадилар. Франгистонда бобомиз Амир Темур тарихини ўрганувчилар уюшмаси бир неча йилдирки фаолият кўрсатиб, Соҳибқироннинг кимлигини жаҳонга англатмоқда. Бундай ишларни, бундай шарафли ташвишларни биз қилмоғимиз керак эмасмиди? Ёки Олмониядаги «Оврупа халоскори» музейида бошдан-оёқ Амир Темур фаолияти тўғрисида сўзловчи ашёлар, бобомизнинг олтиндан ясалган ҳайкалини биз ярата олмасмидик?

Бу халқни Оллоҳ истеъдодлардан қисмаган. Биргина сўнгги ўн йилликларда Қизил империя уларни босқичма-босқич каллаклаб турди.

Энг хатарлиси эса, юқорида айтганимдек, СССРни қўмсовчи баъзи оқсоқоллар, қолаверса, Президентимиз ибораси билан айтганда «иккинчи тоифадаги раҳбарларимиз»дир. Ватанга, Миллатга хизмат қилишдан кўра ошқозонга, чориққа хизмат қилишни, сиғинишни одат қилганлардан нима ҳам кутиш мумкин.

Ким қандай тушунса тушунаверсин. Президент шу Ватан, шу Миллат равнақи йўлида қасам ичди. Ҳар куни шу Ватан учун жонимни фидо қилганман, тикканман деса, эрта-ю кеч шу йўлда заҳмат чекса-ю, Ватан истиқлолини мустаҳкамлашдек муқаддас ишга чорласа-ю, вилоятимизнинг айрим раҳбарлари ё бу фикрларни англаб етмайдилар ёки англаб етиш даражасида эмаслар.

„...Наврўз ўрнини Навбаҳор эгаллаган вақтлар. Фотиҳага борилганда «Қўлни юзга тортиш ўрнига қарсак чалсак қандай бўлади, менимча шундай қилсак жуда яхши» деган бир раҳбар бўларди. Ўша одам мустақиллик эълон қилинмаган кунларда кўчалардан бирига Амир Темур номи қўйилганда «Кўчамиздан бу каллакесарнинг номини олинглар, акс ҳолда иш ташлаймиз», деб пўписа қилганди. Бугунги кунда ўша раҳбар янада каттароқ маҳкамада раҳбар. Идораси пешонасига «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» дея ёздириб қўйибди...

Хоҳлаймизми, хоҳламаймизми айни кунда худди шу аҳволдаги раҳбарларимиз талайгина. Биз битта халқмиз. Қолдирган яхши изимиз учун ҳам, ёмон изимиз учун ҳам бирдек масъулмиз.

## ҲАҚИҚАТГЎЙ ОДАМЛАР

Антик адабиёт вакили Хомер «Одиссея» китобида боболаримиз хусусида тўхталиб шундай дейди: «Скифлар ҳақиқатгўй одамлар, улар Осиёда яшайдилар: бир қатор қашшоқ, лекин ҳақиқатгўй».

Буюк тарихчи Юстиннинг «Помпей Трог Эпитени» асарида эса бундай дейилади: «Скифлар олтин ва кумушлардан ҳазар қиладилар. Сут ва асал истеъмол қилишга одатланганлар».

Ушбу сатрларни буюклар ўз устозлари Геродотнинг «Скифия» асаридан олганликларини таъкидлайдилар. Бизгача тўлиқ етиб келмаган «Скифия»да ўз вақтида шундай сатрларни ўқиб милоддан 329 йил аввал Александр Македонский юртимизга босқин уюштирган бўлса не ажаб. Жаннатмакон бу юрт бойликлари кимларни ўзига ром этмаган дейсиз? Милоддан аввалги 104—101 йилларда Хитой истилоси дейсизми, ёки V асрда Эфталитлар босқини дейсизми, Араблар ёки Мўғуллар босқини дейсизми, Руслар истилоси дейсизми, барча-барчасини бошидан ўтказган юрт бу!

Бу юртда босқинчиликка, босқинчиларга қарши кураш бир зум ҳам тингани йўқ. Гоҳ Тўмарис, гоҳ Широқ, гоҳ Зарина ва Странгио, гоҳ Аморг ва Спаретра ёки Ададита ва Зриадр ёки Спитамен ёки Абрўй, Муқанна ёки Жалолиддин, Амир Темур, Абдумалик Баҳодир, Пўлатхон, Шермат Бек, Дукчи Эшон, Ғойиб Назар, Ортиқ Хўжа, Субҳонқул, Рустамбек, Мирза Ҳамдам, Усмонбой, Бобожон Ғайнабой, Намоз Пирим, Мустафо Чўқай ва бошқалар сиймосида юрт озодлиги, мустақиллиги йўлида ҳарбий, мафкуравий жангу-жадаллар олиб борилди.

Ўтган ўн минг йилликда бу юртга келган жосуслар бир бўлди-ю охирги юз йилликда келганлари бир бўлди. Бекович-Черкасскийдан бошланувчи жосуслар ҳаракатини Духовский ва Самсонов давом эттирди. Кауфман, Куропаткин, Иванов, Мартинс, Верешагин, Абрамов, Миллер, Годовачевлардан кейинчалик Фрунзе бошчилигидаги каллакесарлар армияси бу юртни тамом абгор қилдилар. Генерал—жосус Самсонов Авлиёота масжидига Чор подшоси ва ўзининг расмини остирар экан, «Мужикнинг ўғриси ҳам ҳар қандай туркистонликдан, унинг авлиёсидан ҳам яхшидир» дейди. Бу ўринда ўзимиздан чиққан «раҳбарлар»нинг сотқинлиги, «вафодорлиги»га ҳам алоҳида тўхталсак арзирди. Қалъаи ичидан дарз кетмаса сиртдан қўшин ололмас...

Туркистон халқлари Амир Темур бошчилигида буюк турк маданиятини, буюк турк санъатини яратгандилар. Эл нуфуз қалбида, ор-номус, ҳурмат-иззат қадрланарди. Ҳозирги давр ибораси билан айтганда, маданий савияси ўша даврдаги руссияликларнинг маданий савиясидан устун эди! Бу хусусда ҳатто улуғ шарқшунос В. Бартольд Санкт-Петербург Фанлар академияси илмий кенгашида ҳисоб бериб шундай дейди: «Биз шу пайтгача маданий савияси ўзимиздан паст бўлган халқларнинг ерларини босиб олгандик. Энди бўлса, Туркистон мисолида тамом тескари аҳволга дуч келиб турибмиз... Туркистонликлар бизнинг ҳарбий устунлигимизга тан беришди, аммо маънавий устунлигимизни тан олишгани йўқ. Вазифа — ана шуни тан олдиришдан иборатдир... То шуни тан олишмас экан, биз узил-кесил ғалаба қозондик, деб айта олмаймиз».

Буюк олим шу ўринда ўзининг шовинистик қарашларини яшира олмайди. Маълумки, маънавият куч билан тан олдирилмайди, балки олинади. Сўзсиз, қонсиз, урушсиз. Албатта бунда маънавияти юқорироқники олиниши назарда тутилмоқда. Чор Россияси жосуслари тан олдиролмаган маънавий пастликни кейинчалик большовой жосуслар тан олдиришди. Ўз ватани, миллатдоши, ватан ва миллат мустақиллигини оиласи тинчлигидан устун қўйган табаррук зотлар бошини қиличи учига кўтариб бир тўда оломонга намойиш қилган осийга биринчи генераллигини беришиб, ясама генераллар яратишди. Моҳир ҳарбий қўмондон деб эълон қилишди. Худди бу юртда қўмондонлар чиқмагандек. Алифболар тақдим этишди. Худди бу юрт элининг алифбоси йўқдек. Буларнинг барчасининг замирида ўша вазифа — ўз маданий савияларига халқимиз савиясини тенглаштиришдек катта иш ётарди.

1984-1986 йилларда собиқ марказ топшириғи билан йўлланган жосуслар Гдлян ва Ивановлар олиб борган қатағонлик ҳам ўша вазифанинг давомидек туюлади Бизга. Кўплаб раҳбарларнинг қамалиши, отилиши юртнинг катта йўқотиши бўлди. Чунки, улар яхшими—ёмонми бошқалардан кўра элнинг дардини бирмунча яхшироқ билардилар. Нима қилиш керак, деган саволга бошқалардан кўра яхшироқ чора топардилар.

Вазифа қўювчиларга эса бундайлар хуш келмасди.

Бу юрт аҳли аҳлоқли эди. Устоз Зиё Кўкалпнинг сўзларини қадимги Хитой файласуфи Гуан Цзи давом эттиргандек, назаримда: «Одамлар ғаллахоналари, омборлари тўлиб-тошиб кетган пайтдагина ахлоқ, орномус деган тушунчаларнинг моҳиятига етадилар. Қачонки, халқ тўқ, уст-боши бут бўлса шон-шуҳрат ва шармандаликнинг фарқига боради. Ахлоқ ҳар нарса бор жойда туғилиб ҳеч нарса йўқ жойда таназзулга учрайди», деганди файласуф. Элимизнинг омборлари ғаллага унчалик тўлиб кетмаган бўлса-да ҳалиям ахлоқимиздан ҳар қандай миллат ибрат олса арзийди. Олмонлардек ишбилармон миллат вакиллари совет солдатлари қабрларини махсус халқаро битим имзолангандан кейингина топташга чек қўйдилар. Биздаги ахлоқни, марҳумга бўлган ҳурматни қарангки, юртимизга ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ бостириб келган, боболаримизни, момоларимизни, ака-опаларимизни ўлдирган, шаҳар-қишлоқларимизни талаган, оқибатда ўзлари шаҳид бўлган русия солдатлари қабрларига ёмон назар билан қарамайдилар. Ахлоқнинг юксаклиги шундай бўлади.

Туркистон — Ўзбекистон ҳеч қачон жосуслардан ҳоли бўлмаган. Оллоҳнинг назари тушган бу юрт тинчлиги йўлида, осойишталиги, тўқлиги йўлида бир тан, бир жон бўлиб курашмоғимиз керак. Мустақилликни мустаҳкамлаш ташвишлари, ичкилибозликка қарши кураш компанияси эмаслигини биринчи навбатда раҳбарман деб юрганлар, аҳли зиёли яхши англаб етиши лозим..

Таниқли миллатпарвар, Туркистон келажаги фидойиси Вали Қаюмхоннинг сафдоши Мустафо Чўқай ҳазратлари алам ва таъна билан айтадилар: Миллий манфаатлар йўлида курашиш лозимлигини билганлари ҳолда туркистонликлар ўзаро кучли бирлик қура олмадилар ва бунга улгурмадилар...».

Бугунгидек, тарих ғилдирагининг минг йилларда бир бор тўғри келадиган муқаддас даврда яшашни сиз-у бизга Оллоҳ насиб кўрибди ва бу насибга муносиб бўлмоқ саодатдир! Миллат манфаатлари йўлида курашиш, бирлашишга онгли равишда ҳисса қўшмак ҳар бир Буюк ўзбекистонликнинг Ватан ва Миллат олдидаги ҳам фарзи ҳам қарзидир.

## САМАРҚАНД КОНЦЛАГЕРИ

Кўп йиллар вилоят партия қўмитасида масъул лавозимларда ишлаган, ўзларининг айтишича «ғирт коммунист бўлган», бугунда вилоят давлат архивининг ходими Ҳайдар ака Аббосов бир куни ҳузурларига чорладилар.

— Ука, шу ҳақда ёзинг, — дедилар табиатларига хос самимийлик билан. Стол устида ётган папкалардаги «Самарқанд концлагери ҳақида»ги деган ёзувларни ўқиб, этим жунжикиб кетди.

— Одамларимиз мустақилликнинг қадрига етсинлар, шу ҳақда ёзинг, ука.

Анчайин мутахассислар ҳам Самарқандда концлагер фаолият кўрсатганидан хабардор бўлмасалар керак. Ўзбек тилининг «ў» ҳарфини билмайдиган, бироқ олий ўқув юртларининг бирида дарс берувчи, ўзини сал бўлмаса Самарқанд тарихи бўйича энг билимли ҳисоблайдиган олимдан сўрадим:

— Самарқандда концлагер бўлганми?

— Йўқ. Бироқ, Амир Темур вақтида концлагердан ҳам баттар қамоқхона бўлган. Ўша вақтда кишилар зиндонга ташланган. Қатл этилган...

Самарқандда эса концлагер бўлганлигини ҳужжатлар тасдиқлайди. Туркистонни Русия қўшинлари иккинчи бор босиб олганларидан кейин бутун Туркистон ҳудудининг ҳар бир вилоятида 300 кишилик концлагерлар барпо этиш юзасидан қарор қилинди. Тўғрироғи, ҳали Туркистон тилка-пора қилинмасдан олдин Самарқанд области (атайин область дейилмоқда) Россия Совет Федератив Социалистик Республикасининг бўлаги ҳисобланган вақтларда ана шундай қамоқхоналар зудлик билан тикланди. Ҳеч бир тарих китобида ёки тарихга оид асарларда Самарқанднинг РСФСР таркибида бўлганлигини ўқиганмисиз? Бироқ, концлагерга тегишли ҳужжатларнинг барчасидаги муҳрлар, тамғаларда Самарқанд РСФСРнинг области эканлигини кўриб ҳайратим ошди. (Туркистон мухториятини ўртага қуювчилар янглишадилар).

Босқинчиларнинг бу сиёсий найранги, чигалини ечиш фан докторлари хукмига ҳавола!..

Ҳужжатлар тилга киради:

Туркистон Республикаси, халқ комиссарлари Кенгашининг 1920 йил 9 сентябрдаги 114-рақамли қарори билан Республиканинг барча вилоят марказларида 300 кишидан кам бўлмаган миқдордаги маҳбуслар сақланадиган концентрацион лагерлар очишни режалаштирди.

Лагерларни бошқариш ҳақидаги Низомнинг охирги сатрларини айнан келтирамиз:

«Обший контроль за правомерностью содержания заключенных и воспитательная часть осушествятся карательным отделом Наркомюста...

Председатель Совета Народных Комиссаров Туркестанской Республики

ЛЮБИМОВ

Управляюший Делами Совнаркома Туркестанской Республики

КАПЛАН

Секретарь Совнаркома Туркестанской Республики

РУДОЙ»

Самарқанд шаҳрида концлагер ташкил этилиши юзасидан 1921 йилнинг 19 май куни қарор қилинди. Орадан 12 кун ўтгач, берилган маълумотномада эса концлагерда 68 та одам сақланаётгани билдирилади. Кишиларни концентрацион лагерларда сақлаш учун низомда кўрсатилишича халқ суди, революцион комиссия, трибуналлар, фавқулодда ҳолат комиссиялари, махсус бўлим вилоят махфий учлигининг хулосасига кўра амалга оширилган.

Уч йил фаолият кўрсатган мазкур лагер харажатлари учун 26 миллион сўм ажратилган.

Ўйлаб ўйингга етолмайсан, Мирзачўлни «обод» қилишга 50 миллион сўм ажратилади-ю, (кейинги маълумотларга қараганда шу ҳам тўлиқ етиб келмаган экан), бир лагернинг фаолияти учун 26 миллион сўм берилиши РСФСР раҳбарияти, қолаверса, шахсан В. И. Ленинга нима учун керак бўлиб қолдийкин?..

Бизнингча бундай жаҳолат, жоҳилликдан кўзланган мақсад, аҳоли қалбида ваҳима, қўрқувни уйғотиш, шакллантириш эди...

Самарқанд шаҳар ҳарбий революцион комитети томонидан қамоққа олиниб, концентрацион лагерга юборилган, балоғат ёшига етмаган қизлар фоҳишабозликда айбланадилар. Ана шундай айб қўйилиб лагерга ташлаганларни тергов-текшириш натижасида бир қанча қизларнинг ҳатто эркак зотининг қўлини ушламаганлиги маълум бўлгач, лагер комменданти шаҳар революцион комитетига бу ҳақда маълум қилганда, революцион комитет уларга «бу сизнинг ишингиз эмас, биз диктатормиз, нима қилишимизни биламиз, яна аралашсангиз сизни ҳам қаматамиз», деб жавоб йўллайдилар.

Қизларни фоҳишаликда айблаш ва қамашдан мақсад уларнинг ота, акалари жиловини қўлга олиш эди. Революцион комитетнинг «фоҳишалик» билан шуғулланиши қизиқ ҳолдир.



## «ЭШИТЯПСИЗМИ, ХОНИМ, ТУРКИСТОНЧА ГАПИРЯПТИЛАР»

Яқинда Оллоҳнинг марҳамати билан маданиятли, зукко инсон, асли марғилонлик, айни вақтда Саудия Арабистони нуфузи (фуқароси дейишдан озор топадилар) Зуҳуриддин Туркистоний жаноблари билан бир ҳафта мобайнида ҳамсуҳбат, сафардош бўлиш бахтига муяссар бўлдим. Ғоятда камтар, олий маданият соҳибаси бўлмиш Атия опа (у киши ҳам марғилонлик) ҳам бирга эдилар. Вилоят ҳокимлигининг у кишига ва оилаларига кўрсатган катта илтифотларидан улкан қувонч билан иккинчи она юртлари Эр-Риётга қайтар эканлар, берган насиҳатлари бир умрга етгуликдир. Табиатан камгап, ҳамсуҳбатининг бир оғиз калимасидан кимлигини аниқ англайдиган бу инсон олдида ҳамиша таъзимдаман. Самарқанд обидаларини томоша қиларканлар, кўз ёшларини тия олмайдилар. Хонимларига тинмай уқтирардилар. «Буни Туркистон дейдилар, хоним! Мана Сизга туркий маданият, мана сизга туркий санъат! Ўғилларимиздан бирини олиб келмабмиз-да. Насиб этса янаги сафар олиб келамиз...».

Юқорида айтганимдек, бир ҳафта мобайнида бирга юриб, Зуҳуриддин акадаги шу Ватанга, шу Миллатга бўлган самимий садоқатнинг наqадар буюклигига қайта-қайта имон келтирдим.

Самарқанд, Бухоро кўчаларида яёв кезарканмиз, ёш болалар билан гаплашишни кўпроқ ихтиёр этадилар. Ана шундай воқеалардан бири Бухорода юз берди. Исмоил Сомоний мақбарасини зиёрат қилиб, хонимлари билан Мир Араб мадрасасида номоз ўқиганларидан кейин Амир Олимхоннинг Ситораи Моҳи хоса қасрига бордик. Қасрга кираверишда боғча болалари турнақатор бўлиб келишарди. Фотоаппаратларини менга бериб, боғча опадан рухсат сўраб болакайлар билан суратга тушдилар. Улар билан бир неча муддат суҳбат қурдилар. Суҳбат давомида Атия опага «Эшитаяпсизми, хоним, туркистонча гапираяптилар!» деганларидан ҳайратга тушганман. Кейинчалик маълум бўлишича четда, баъзи доираларда Ўзбекистонда ўзбеклар умуман ўз тилларини унутишган, тўлиқ рус тили ва маданиятининг қули бўлган, энди бу юртнинг юрт бўлиши қийин, деган ғоя олдинга сурилаётганини сўзлаб бердилар. Боғча болалари билан туркистонча гаплашганлари кўнгилларидаги ғуборни ҳайдаган экан.

Мен ул зотга ҳақиқатан ҳам баъзи «катта»лар оилалари ўзбек тили ва маданиятини унутиш арафасидаги бир ҳолга келиб қолганликлари хусусида айтмоқчи бўлдим-у, тийилдим. Чунки, у киши Ўзбекистон ҳақида ҳар биримиздан яхшироқ, кўпроқ маълумотга эга эдилар. Ташрифларининг боиси, Ватан ҳавосидан нафас олиш, унинг тўғрисида тўқилаётган иғволарга ишончли далиллар билан дунё матбуотида зарба бериш, шу йўл билан Ўзбекистон мустақиллигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшиш эди!!

Яна бир ватандошимиз — Истанбул шаҳрида яшовчи, миллионер (доллар ҳисобида) Абдуқодир Темур — ҳақида, унинг Ватан мустақиллиги йўлидаги заҳматлари хусусида кўп сўзлаш мумкин. Унинг гапларидан ҳар биримиз ибрат олсак арзигулик, деб ўйлайман:

«— Туркистонни ўлди деганлар янглишадилар! Туркистон тирикдир! Биз — ҳар биримиз гулдек гўзал бўлмоғимиз керак. Ҳар биримиз гулдек гўзал бўлганимизда Туркистон ўз-ўзидан қад кўтаради. Туркистон ҳамиша тирикдир! Ўзбекистон мустақиллигини, истиқлолини кўриш ягона орзуим эди. Энди ўлсам армоним йўқ! Юртимизга Оллоҳнинг иродаси, марҳамати билан истиқлол насиб этди. Юртимиз истиқлолга эришганини эшитган кеча биз, Туркиядаги туркистонликлар болаларча йиғладик. Ўзимизни идрок этолмай қолдик. Истиқлол сўзини эшитганимизга ишонмай, юртимизни зиёрат қилишга шошилдик. Келиб кўрдикки, юртимиз ҳақиқий истиқлол йўлига чиқаётган экан. Барча молу-мулкимни юртим истиқлолига, унинг тараққиёт этишига сарфлайман. Эндиги вазифамиз ҳар тўда аравани ўзи истаган тарафга эмас, истиқлол тараққиёти томон, эл сайлаган Президент ёнига кириб, кўмаклашиб, тортишимиз лозим...».

Ёши тўқсонни қоралаб қолган ватандошим сўзларига қўшимча қилиш қийин...

## ЭНАМНИНГ ҚИШЛОҒИ

Кузатишларим натижасида шу нарсага иқрор бўлдимки, Ватан тушунчасининг илк босқичи шу сўзни эшитмаган ўспиринда ҳам шаклланa бориши мумкин-у, тўртта одам йиғилса «мен фалон тилни билмаганимда академик бўлолмасдим» дейдиган «аллома»да эса шаклланмаслиги мумкин экан.

Ўтган йилнинг баҳорида ҳамшаҳрим Бобокалон Рўзи билан Бахмал бағридаги она қишлоғим — Ўсматга боришни ихтиёр этдик. Шу баҳонада тўрт яшар қизимни катта ота-онасига кўрсатиб келиш умиди ҳам йўқ эмасди. Ўзбекистоннинг қишлоқларини бир-биридан ажратиш қийин. Булунғур, Жомбой туманларининг ўнлаб қишлоқлари оралаб Ўсмат сари кетаяпмиз. Музбел довонидан кўтарилган эдик ҳамки, Ўсмат бор бўй-басти билан кўринди. Табиатан кўнгли очиқ инсон Бобокалон ака билан дунё ташвишлари хусусида бир-биримизга гапда навбат бермай кетаётгандик. Суҳбатимизни Дилафрузнинг йиғлаганча «ана энамнинг қишлоғи» дегани бузди. Кўзлари севинчдан порлаган, ёш томчилари аллақачон қизчамнинг юзидан думалаб туша бошлаганди.

Бобокалон ака машинасини четга олди. Дилафрузни кўтариб, йўл бўйлаб айланиб келди. У кишининг ҳам кўзида ёш кўринарди.

Йўлда қизалоқни саволга тутдилар:

— Нега йиғладинг, Диливой?

— Қишлоқни кўриб, энамни соғиндим-да...

Иқрорман-ки, қизим ҳали Ватан сўзини эшитгани йўқ. Ўзим ҳам тўлиқ англаб етмаган бу сўзнинг маъносига унинг умуман тушунмаслиги турган гап. Аммо онаси яшайдиган қишлоқни бошқа қишлоқлар орасидан яхши ажратади. Тилимиздаги Она-Ватан ибораси нима учун яратилган экан?

Невараси қишлоққа келди дегунча энасининг каллаи саҳарлаб лапанглаганча пақирини судраб сут соғиш учун шошилишида, невараси уйғонмасдан сут пишириб қўйишида не сир-синоат бор?

Опамни саволга тутаман:

— Нега бундай қиласиз?

— Қишлоқнинг сутини ичса, қишлоққа меҳри синади (сингади демоқчилар).

Нега гўдак шунча қишлоқлар орасидан энасининг қишлоғини адашмай топади? Невара шаҳарга қайтар чоғида опам булоқ суви тўлдирилган идишни қўлимга тутқазадилар.

— Энамга бораман деса, шу сувдан ичиринг, болам.

Нега шундай қилинишини ҳеч англаб етолмайман.

Опамдан сўрасам:

— Ўзи шунақа, болам, шундай қиладилар, — деб қўядилар.

Не бўлганда ҳам **оналаримиз, она қишлоғимиз, киндик қонимиз тўкилган қишлоғимиз, охир-оқибат ҳокимиз қўйиладиган манзилни Ватан деймиз!** Унинг камолоти йўлида заҳмат чекишдан ортиқроқ ҳаловат бўлиши мумкин эмас!..

Бундай муштипар оналаримиз Ўзбекистоннинг қайси бурчагида топилмайди дейсиз. Улар айтадиган ривоятлар, эртакларда тенгсиз қудрат бор. Истагим, уларнинг умрлари узоқ бўлсин—у невара, чевараларига ҳам эртак айтиб бериш насиб этсин. Бу билан нима демоқчиман? Демоқчиманки, бола тарбиясида отанинг ўрни ўзи билан. Бироқ онанинг ўрнини ҳеч ким боса олмайди. Фарзандга она берадиган неъматларни бошқа ҳеч ким бериш қудратига эга эмас. Муқаддас китобларда «Аввал онангизга, онангизга яна онангизга... хизмат қилинг» деб бекорга битилмаган.

Таклифим, жамиятимиз янгиланаётган, ўқув тарбия соҳаси янгиланаётган айни вақтда болалар боғчаси, мактабларда қиз болаларни ҳаётга тайёрлашни такомиллаштириш мақсадида алла айтиш, эртак айтишни ўргатиш каби илоҳий муждаларга алоҳида эътиборни қаратиш керак. Бу мустақиллик ғоясини, мафкурасининг таъмал тоши бўлиш вазифасини ўташи шубҳасиз. Ўзбекистон фарзандларини гўдаклигидан Ватан дардини туймак, миллат дардига дармон бўлмак руҳида тарбиялашнинг энг асосий даврини бошлаб беради, демакдир.

## БАҒИШЛОВ

Юртим! Сенинг чинорларинг кўп. Чинорларинг илдизлари минг-минг йиллар билан сўзлашур. Жаҳондаги камдан-кам юртгина сенингдек алломалар етказолган, Момоерим!

Сени ёвкур Широқ ҳоки қўйилган табаррук маскан, Спитамен шижоати сўнмаган ботирлик, Тумин ва Истемин руҳи кезиб юрган жаннат, Исёнкор Муқанна қиличи, Жалолиддин Мангуберди жасоратининг мангулиги, Темир Малик шаъни, Амир Темур баҳодирлиги, Бобур Мирзо армони деганлар ҳақдирлар!

Жалолиддин Хоразми, Темурбек Турони, Абдуллахон Туркистонининг озодлиги, мустақиллиги чин бўлсин!

Сенга Қуёш умрини, боболар руҳидек покликни, азим тоғларингдек чўнгликни, ўзингдек буюкликни тилайман. Оллоҳ ҳамиша кўнглингни тарк этмасин! Яратганинг ўзи сени ёмон кўзлардан асрасин. Мустақиллигинг эълон қилинган кун-аниқроғи 1991 йилнинг 1 сентябрига ўтар кечаси ушбу шеър битилган ва эртаси куни — бир кунлик гўдаклик вақтингда вилоят радиоси орқали юртдошларимни таваллудинг билан табрик этгандим. Бу кун зўр бир қувонч, қониқиш ҳисси билан ўша кунда ўқилган шеърни қайта билдиришдан тенгсиз ҳаловат сезаман. Мустақиллигинг абадий бўлсин! Авлодлар сени дея, сени озодлигинг, ҳурлигинг, мустақиллигинг, тенглар ичра тенг бўлишинг учун туғиладилар ва хизмат қиладилар! Оллоҳ марҳамати билан сенда ўзлигини топган жонлар сенинг йўлингда садқалар бўлсин! Сенинг мустақиллигинг учун ўзини фидоий билган ўғлингни табригини қабул эт!

**Садолар келади, замин қаъридан,**
**Бойчибор ёлини ўйнайди бўрон.**
**Асрлик ҳобини елларга отиб,**
**Инграб уйғонасан, Она Туркистон!**
**Бобо Темур руҳи қаддин ростлади,**
**Жалолиддин ашки севинчга тўлгин,**
**Ойтўлди қўйнида гўдак ингради,**
**Қайта таваллудинг муборак бўлсин!**
**Қадамни дадил ол — Онажон Ватан,**
**Шерларинг хизматга мунтазир турур.**
**Ўзбегим озод бўл тургунча дунё,**
**Оллоҳим, борингга минг бора шукур!**

Табани

R I C H M O N D

KING SIZE




*Қуйидаги манзилга мурожаат этиб, бу ҳақда тўлиқ маълумот олиш мумкин:*

Тошкент шаҳри.
Катта Миробод кўчаси,
158-уй (Ивлев, 67).

"Табани групп оф компаниз"

Telephon. 32-35-53,
54-06-70, 54-07-98,
55-35-49.

Ўзбекистон
Республикасидаги
савдо агентларимиз:
*"Мунис" ЛТД,*
*'ХЕСО" ЛТД,*
шунингдек
*"ФРИЯ"* фирмалари.

*Бош бошқарувчиси,*
*АББОСХОН.*

Fax. 54-08-30.
Telex. 116416 TABANI SU

Чекиш соғлигингиз учун зарарлидир!

МУАССИСЛАР: «Ўзбекистон овози» ва «Осиё бозори» газеталари ижодий жамоалари.

Нашр учун масъул
Т. ЭШБЕКОВ.

Ҳафтада бир марта чиқади.

«Осиё бозори» Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олинган. Гувоҳнома № 000176.

Эълон ва билдирувлар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан қабул қилинади.

Бизнинг манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-57-19, 32-54-12, 32-54-14.

Индекс 75487.

ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Амарант» уруғи келишилган нархларда сотилади. Муомала чек орқали ёки пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

МАНЗИЛГОҲ: Самарқанд вилояти, Иштихон тумани, «Уч қаҳрамон» жамоа хўжалиги.

Телефонлар: 93-1-26, 93-1-56, 93-4-73.

